

5-10-2019

## SOCIO-PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF RURAL EXPERIENCE IN FOREIGN COUNTRIES

Husan Mirzaevich Tuhtayev  
*Samarkand State University base doctoral student*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

---

### Recommended Citation

Tuhtayev, Husan Mirzaevich (2019) "SOCIO-PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF RURAL EXPERIENCE IN FOREIGN COUNTRIES," *Scientific Bulletin of Namangan State University*: Vol. 1 : Iss. 5 , Article 30.  
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss5/30>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [brownman91@mail.ru](mailto:brownman91@mail.ru).

---

## SOCIO-PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF RURAL EXPERIENCE IN FOREIGN COUNTRIES

**Cover Page Footnote**

???????

**Erratum**

???????

## ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ҚИШЛОҚЛАРНИНГ ЎРГАНИШ ТАЖРИБАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

Тўхтаев Хусан Мирзаевич

Самарқанд Давлат университети таянч докторанти

**Аннотация:** Ушбу илмий мақолада хорижий мамлакатларда қишлоқларни ривожлантириш учун у ерда яшовчи аҳолининг аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондириш борасида амалга оширилаётган лойиҳалар ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиниб, тўпланган тажрибалардан мамлакатимиздаги қишлоқларда фаровон ҳаётни барпо этиш бўйича бир қатор таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** қишлоқ, фаровон ҳаёт, хориж тажрибаси, Калифорниядаги ННТ, Янчжоудаги “Уч тоза, битта яшил иш”, Жанубий Кореядаги “Семаул Ундонг”, Туркиядаги “ТОКИ” тажрибаси.

## СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ СЕЛЬСКОГО ОПЫТА В ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАНАХ

Тухтаев Хусан Мирзаевич

Самаркандский государственный университет базовый докторант

**Аннотация:** В данной статье анализируется социально-философский анализ проектов, реализованных с целью удовлетворения жилищных потребностей проживающих там людей, и дается ряд рекомендаций по построению благополучной жизни в сельских районах нашей страны.

**Ключевые слова:** деревня, благополучная жизнь, зарубежный опыт, неправительственные организации в Калифорнии, “три чистых, одна зеленая работа” в Янчжоу, “СемуелУндонг” в Южной Корее, опыт “ТОКИ” в Турции.

## SOCIO-PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF RURAL EXPERIENCE IN FOREIGN COUNTRIES

Tuhtayev Husan Mirzaevich

Samarkand State University base doctoral student

**Abstract:** This article analyzes the socio-philosophical analysis of the projects implemented to meet the housing needs of the people living there, and provides a set of recommendations to build a prosperous life in rural areas in our country.

**Key Words:** village, prosperous life, foreign experience, NGO 's in California, “Three clean, One Green work” in Yanchjou, “SemeulUndong” in South Korea, “ TOKI” experience in Turkey.

Ҳозирги глобаллашаётган замонда қишлоқларда фаровон ҳаёт барпо этишнинг энг муҳим омилларидан бирини унда яшовчи аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш ҳисобланади. Уй-жойи йўқ одамнинг фаровон ҳаёт

кечириши ҳақида гапириш хаёлпарастликдан бошқа нарса эмаслиги, аччиқ ҳақиқат бўлиб, бундан холи бўлиш учун бугунги кунда дунё аҳолисининг 3 миллиарди ёки 40 фоиздан зиёдроғи уй-жойга муҳтож бўлиб турибди. Ана шу муҳтожларнинг қўпчилигини қишлоқ аҳолиси ташкил этади. Шу сабабли цивилизациялашган давлатлар қишлоқ аҳолисини уй-жой билан таъминлаш муаммосини ҳал қилишга ҳаракат қилмоқдалар.

Бу муаммони ечиш учун бизнинг “мамлакатимизда сўнги ўн йил ичида 1 минг 308 та қишлоқ массивида намунавий лойиҳалар асосида 69 минг 557 та ҳар томонлама қулай уй-жойлар барпо этилиб, 83 минг 500 оиланинг яшаш шароити тубдан яхшиланди. Айниқса, аҳолининг кам таъминланган қатламлари, ёш оилалар учун қулайлик яратиш мақсадида арзон ва шинам уй-жойлар қуриш дастурини амалга оширмоқдамиз. Ҳозирги кунда барча вилоятларимиз марказларида 191 та, Тошкент шаҳрининг Сергели туманида 102 та, қишлоқ жойларда эса 15 мингта ана шундай уй-жойлар жадал суръатлар билан барпо этилмоқда”. Бироқ, бунинг ўзи катта ютуқ бўлсада, ҳали ахиригача эгалланган марра эмас. Бу маррага эришиш, яъни қишлоқларимизда арзон ва шинам уй-жойларни барпо этиш учун давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек “Хусусан, мамлакатимизда мустаҳкам пойдеворга эга бўлган ва ҳар томонлама шакланган замонавий қурилиш индустриясини яратиш, тармоқнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жаҳон стандартларига жавоб берадиган рақобатбардош қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш ва бу борадаги ишларни янада ривожлантириш, соҳага илғор технологияларни, метод ва ёндашувларни жорий этиш, шаҳарсозлик борасида конструктив ва архитектура-режалаштириш ечимларини оптималлаштириш, капитал қурилишдаги номутаносиблик ва муаммоларга барҳам бериш, самарасиз ишлаётган лойиҳа институтлари фаолиятини тубдан қайта ташкил этиш, замонавий илм-фан, ахборот технологиялари, архитектура ва дизайн ютуқларидан оқилона фойдаланиш жараёнини жадаллаштириш, кадрлар салоҳиятини юксалтириш каби кечиктириб бўлмайдиган муҳим масалалар бугун ушбу соҳа вакиллари ва мутасадди раҳбарларнинг устувор мақсадларидан бирига айланиши лозим”. Бунинг учун эса кўпроқ хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва улардан унумли фойдаланишни йўлга қўйиш керак бўлади.

Ушбу масаланинг ечимига ижтимоий-фалсафий жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, уй-жой ва молиявий муносабатлар ўзаро диалектик алоқадорликда бўлиб, улар бозор муносабатлари мантиғига кўра: *биринчидан*, уй-жойлар таклифи қишлоқ аҳолисининг барча қатламлари талабини қондириши учун уй-жойларни ва уларнинг қурилишини молиялаштириш хизматларининг турли-туманлиги; *иккинчидан*, ўртача ва кам даромадли аҳоли талабини қондиришга хизмат қиладиган хусусий уй-жой қурилиш сектори фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган сиёсатни амалга ошириш; *учинчидан*, давлат бюджети маблағларини аҳолининг уй-жойга энг муҳтож қатламлари талабини қондиришга йўналтириши билан белгиланади.

Ушбу масаланинг баъзи бир хорижий мамлакатларда қандай ҳал этилаётганлигини қуйидаги ижтимоий-фалсафий таҳлиллар орқали билиб олишимиз мумкин.

АҚШ. Калифорниядаги ННТ тажрибаси. АҚШнинг Калифорния штати ҳар томонлама ривожланган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Унда Роберт Винер томонидан қишлоқда яшовчилар учун арзон ва қулай уй-жой қуришга мўлжалланган нотижорат ташкилотлар коалицияси (иттифоқи) ташкил этилган бўлиб, унинг вазифаси федерал ҳамда маҳаллий ҳукумат билан ҳамжиҳатликда даромад даражаси паст аҳоли учун уй-жой қурилиши бўйича фаолият кўрсатишдан иборат. Унга 25 тага яқин Нотижорат Нодавлат Ташкилоти (ННТ), Калифорния штатининг вакиллик ва ижро ҳокимияти, кам даромадли фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи маслаҳатчилар ҳамда маҳаллий фуқаролар аъзо бўлиб кирган. Шунингдек, коалицияга йирик қурилиш ташкилотлари ҳам аъзо бўлиб, улар ноқулай шароитларда ҳаёт кечирувчи аҳолига ёрдам бериш, қариялар, пенсионерлар, ишсизлар, уйсизлар ва аёллар учун уй-жой қуриш билан шуғулланади.

Бугунги кунга келиб штатда уй-жой қурилишининг бундай нодавлат секторини яратишнинг қуйидаги усуллари мавжуд.

Биринчи усул – бу адвокатлик фаолиятидир. Бунда иттифоқнинг барча муассасаларда ўз вакиллари бўлиб, улар қишлоқда замонавий, қулай ва нисбатан арзон тураржой қурилишига ёрдамлашиш учун ресурслар ажратилиши, молиялаштириш, ердан фойдаланиш ҳақида қонунлар қабул қилиниши тарафдорлари сифатида мажлисларда қатнашади. Давлат органларига қишлоқ жойларни ривожлантиришнинг аҳамияти ва қишлоқ аҳолисининг муносиб уй-жойларда яшashi лозимлиги тўғрисидаги масала ўта муҳимлигини эътиборга олиб, аҳолини зарур ахборот ва маълумотлар билан таъминлаш, режа асосида ўқитиш, уларнинг ёрдам сўраб қилган мурожаатларини кўриб чиқиш масалалари билан шуғулланади.

Иккинчиси – бу ассоциация фермер хўжаликлари, кичик корхоналар салоҳиятини мустаҳкамлашга техник ёрдам берувчи ва бу жараёнда уларнинг ўзига-ўзи ёрдам бера олишига асос яратувчи усул ҳисобланади. Бунда иш юритиш фақат юқоридан пастга қараб эмас, балки энг оддий одамлар эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этишга асосий эътибор қаратилади.

Учинчи усул – бу ҳар томонлама қулайликларга эга бўлган янги қишлоқ муассасаларини барпо қилишга ҳаракат қилиш ҳисобланади. Бунда қуйилган вазифаларни бажариш, тажриба алмашиш, ўзаро ўқитиш, ташқи экспертларни жалб этиш учун зарур маблағларни сафарбар этишни таъминлашга қодир бўлган қишлоқ фуқаролар йиғинлари тармоғини ва узоқда жойлашган фуқаролар йиғинларининг 40 дан ортиқ тармоқларини ўз ичига олади.

Бу уй-жой ажратилишида ўзаро ёрдамлашиш усулидир. Бунда нотижорат ташкилоти кам таъминланган оилалардан 8-12 тасини бирлаштиради ва бир йил давомида келишилган ҳолда ўзлари учун уй-жой қуришни бошлайди. Бир оила

бошқа оиллага уй қуришда кўмаклашади. Барча уйлар қурилиши тугалланмагунча оилалар уйга кўчиб ўтиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар. Қурилиш тугалланиши билан уй қиймати ҳисоб-китоб қилинади ва Федерал Ҳукуматдан заём олишлари инобатга олинади. ННТ киритган дастлабки маблағлар АҚШ қишлоқ хўжалик департаменти маблағлари ҳисобига қопланади, яъни департамент томонидан ушбу кам таъминланган оилаларга 33 йилга 1 фоизли ставкада заём берилади. Шундай қилиб, бу тоифадаги аҳоли ўзига хос йўл билан уй-жойга эга бўлади. Энг муҳими, бунда одамларнинг ҳамжиҳатлиги катта роль ўйнайди. Иш жараёнида қай тарзда уй қуриш, уни тегишли ҳолатда сақлаш ва ўзаро ижтимоий алоқаларни ўрнатиш алоҳида ўрганиб борилади. Шубҳасиз, бундай ҳамкорлик аҳоли томонидан юқори баҳоланади.

Демак, Калифорния тажрибасини ўрганиш ва унда илгари сурилаётган ғоя ва ишланмаларни қишлоқларимизда яшаётган аҳолининг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашда қўлласа бўладиган томонлари жуда кўпдир. Буни, албатта, эътибордан четда қолдирмаслик керак бўлади.

XXР. Янчжоудаги “Уч тоза, битта яшил иш” тажрибаси. Хитой Халқ Республикасининг Янчжоу шаҳрида қишлоқда одамларнинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилган “Уч тоза, битта яшил иш” деб номланган дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унда “тоза қишлоқ, тоза уй, тоза дарёлар, яшил дарахтлар” ғоясини амалга ошириш мақсад қилиб қўйилган. Бу дастурнинг асосий талаби қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш, аҳолининг турмуш даражасини ва экологик ҳолатни яхшилаш бўйича учта атроф-муҳит муҳофаза қилиш асосида қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантириш ҳисобланади.

Демак, XXР нинг Янчжоу шаҳрида қишлоқда одамларнинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилган “Уч тоза–тоза қишлоқ, тоза уй, тоза дарёлар ва битта яшил дарахтлар” деб номланган дастури бизнинг шароитимизга мослаган ҳолда қўлласа, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Исроилдаги Кибуцлар тажрибаси. Кибуц (ивритдан таржима қилинганда “жамоа” маъносини англатади) – Исроил агросаноат секторининг ёрқин рамзи ва асоси ҳисобланади. Бу - мулкка жамоа шаклида эгаллик қилиш ва яшашни коммунал ташкил қилиш тамойилларига асосланган яҳудийлар қишлоқ хўжалиги бирлашмасидир. Иқтисодий муносабатларда кибуцлар 100 дан 2000 гача яшовчиларни ўз ичига олган, ўзига хос жойлашиш шаклидаги мустақил ишлаб чиқариш хўжалигидир.

Демак, Исроил кибуцларининг мафкуравий томонларини олиб ташлаган ҳолда, кўп тармоқли ижтимоий-иқтисодий бирлашма сифатида мамлакатимизнинг баъзи қишлоқ жойларида аҳолини иш билан таъминлаш, қишлоқ инфраструктурасини ривожлантиришда қўлласа бўлади.

Жанубий Кореядаги “Семаул Ундонг” тажрибаси. Маълумки, Корея 1995 йилдан бошлаб ёрдам олувчи давлатдан кўмак берувчи давлатга айланди. Бунга Корея халқининг меҳнатсеварлиги, ишбилармонлиги сабаб бўлди. Корея кейинги йилларда саноати тез ривожланиб бораётган шаҳарлар ва кичик қишлоқлар

орасидаги ортиб бораётган аҳоли турмуш даражасидаги тафовутга барҳам беришга ҳаракат қилмоқда. Шу мақсадни кўзлаган ҳолда Кореяда “Семаул Ундонг” - “Янги қишлоқларни барпо этиш ижтимоий ҳаракати” ташкил этилди. Бу ҳаракат “Ғайрат қилиш”, “Ўз-ўзига ёрдам бериш” ва “Ҳамкорлик” номли учта шиор асосида иш юритиб нафақат қишлоқ аҳолисининг моддий шароитини, балки маънавий эҳтиёжларини ҳам қондиришга эришди.

Кореянинг “Семаул Ундонг” миллий ривожланиш модели ўзида кучли миллий ўзлигини англаш масаласини ўзида мужассамлаштирган экан, уни жорий этиш борасида тўпланган тажрибани Осиё мамлакатларида, шу жумладан Ўзбекистонда татбиқ этиш осон кечиши мумкин.

Биз ушбу моделни қўллашдан тўпланган Корея тажрибасини мамлакатимиздаги қишлоқларда фаровон ҳаёт барпо этиш учун қўллашда давлатимиз томонидан қишлоқларни ривожлантириш борасида олиб бораётган сиёсатини, унинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий хусусиятларини, хусусан, даромадлар даражаси, иқтисодий ўсиш суръатлари, ҳозирги ривожланиш босқичи, табиий бойликлари, тарихини инобатга олишимиз зарур бўлади.

Туркиядаги “ТОКИ” тажрибаси. Туркия Республикасида 1984 йилда уй-жой муаммоларини ҳал қилиш мақсадида, Бош вазирга бўйсунадиган юридик шахс сифатида “Уй-жой қурилишини ривожлантириш маъмуриятини (ТОКИ) ташкил этилган бўлиб, у туфайлиқурилиш кооперативлари уй-жой кредитларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар ва бу усул ёрдамида бир миллиондан ортиқ уй-жойга бўлган талаб кредитлар билан таъминланди. Бу давр мобайнида амалда 43 мингта уй-жой қурилди.

Глобаллашув шароитидан келиб чиққан ҳолда 2002 йил охирида ТОКИ “Режалаштирилаётган урбанизация ва уй-жой қурилишига сафарбарлик” лойиҳаси орқали иш бошлаб, молиявий таъминот нуқтаи назаридан ҳам, амалий қарорлар қабул қилиш имконияти бўйича ҳам қайта ташкил этилди.

Маблағлар ажратиш учун биринчи лойиҳада иккита усул кўриб чиқилди:

Қишлоқ уйлари - бу бир қаватли, зарур ҳолатларда бир неча оғилхонага эга уй-жойлардир. Бундай уйларга талаб, аввало, маҳаллий маъмурият томонидан шакллантирилади. Мавжуд эҳтиёжлар асосида уй-жой қуриш режалаштирилади ва ер майдонлари учун тендер ўтказилади. Қурилиш қийматининг 15-20 фоизи бўнак сифатида олдиндан тўланади, қолган қисми эса 15 йилдан 20 йилгача бўлган узоқ муддат давомида ундириб борилади.

Бундан ташқари, хароба ҳолдаги уй-жойларни тиклаш, тарихий иншоотлар ва маҳаллий меъморчиликни замонавийлаштиришга йўналтирилган лойиҳалар учун ҳам кредитлар ажратишни йўлга қўйилган.

2011 йилда мамлакат Бош вазири ТОКИ зиммасига 2023 йилга қадар иккинчи босқичда режалаштирилган уй-жой қурилиши ҳажмини 500 мингтадан 1 миллионгача ошириш вазифасини қўйди.

Шунингдек, давлат органлари билан келишган ҳолда шифохоналар, қишлоқ поликлиникалари, мактаблар, стадионлар ва хизмат кўрсатиш бинолари қуришга

қарор қилинди.

Муҳожирлар, қочоқлар ва уй-жой муаммолари. Бугунги кунда дунёда 258 млндан кўпроқ киши муҳожир ҳисобланади, бу эса сайёрамиз жами аҳолисининг 3,4 фоизини ташкил қилади ва бу кўрсаткич ортмоқда. Ҳисоботга кўра, муҳожирлар сони 2000 йилга нисбатан 49 фоизга кўпайган. 26 млн муҳожир ёки жами муҳожирларнинг 10 фоизи қочқин ҳисобланади. Энг кўп муҳожирлар – 49,8 млн киши АҚШда яшайди. Саудия Арабистони, Германия ва Россиянинг ҳар бирида тахминан 12 млн муҳожир яшайди. Буюк Британияда муҳожирлар сони 9 млн ни ташкил қилади. 2017 йил маълумотларига кўра, жами муҳожирларнинг 48,4 фоизини аёллар ташкил қилади. Аёл муҳожирларнинг сони Африка ва Осиёдан ташқари, барча ҳудудларда эркак муҳожирларникидан кўпроқни ташкил қилади.

Жами муҳожирларнинг 74 фоизи 20 ёшдан 64 ёшгача бўлган меҳнат лаёқатли кишилар ҳисобланади. Умуман олганда, жаҳонда меҳнатга лаёқатлилар жами аҳолининг 57 фоизини ташкил қилади. Энг кўп муҳожирлар ҳиндистонликлар бўлиб, улар 17 млн кишини ташкил қилади. 2-ўринни 13 млн муҳожир билан мексикаликлар эгалламоқда. Россия, Хитой, Бангладеш, Сурия, Покистон ва Украинадан бўлган муҳожирлар сони шу давлатларнинг ҳар бири учун 6-11 млн кишини ташкил қилади.

Муҳожирлар сафини уруш бўлаётган жойлардан бошпана истаб ўзга юртларга кетаётган қочоқлар йил сайин тўлдириб бормоқда. 2017 йилга келиб жаҳонда қочоқларнинг умумий сони 70 млн кишидан ошиб кетди.

Вазиятнинг бундай кескин тус олиши давлатлар олдига уй-жой муаммосини тезроқ ечиш масаласини қўймоқда. Шу сабабли улар муҳожирлар ва қочоқларнинг касб-кори ва малакавий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда кўпроқ қишлоқ жойларида уй-жой қуриш орқали мазкур муаммони ҳал қилишга эътибор қаратмоқдалар. Муҳожир ва қочоқларни уй-жой билан таъминлаш ўзининг ечимини кутаётган глобал муаммолар жумласига киради. Уни ҳал этиш эса жаҳонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Юқорида қишлоқда фаровон ҳаёт барпо этиш бўйича хорижий давлатларда мавжуд бўлган тажрибани ўрганиш: биринчидан, мамлакатимиздаги қишлоқларда яшаётган аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжларини замонавий усул ва воситаларни қўллаш орқали тезроқ қондириш; иккинчидан, ушбу масалани ҳал этиш бўйича интеграциялашув жараёнларини очиқлик ва шаффофлик асосида шакллантириш; учинчидан, хорижий инвестицияларни тўғридан-тўғри жалб этиш ишларини мумкин қадар тезроқ амалга ошириш; тўртинчидан, қишлоқдаги миллий ва маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, уни хориж андозаларига яқинлаштиришдан иборат.

#### **References:**

1. Mirziyoev Sh.M. Xalqimizning roziligi bizning faoliyatimizga berilgan oliy bahodir. – T.: «O‘zbekiston» NMIU, 2018. – B.436.
2. Mirziyoev Sh.M. Xalqimizning roziligi bizning faoliyatimizga berilgan oliy bahodir. – T.: «O‘zbekiston» NMIU, 2018. – B.438.



3. Mirziyoev Sh.M. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 28 dekabr 2018 yil.– T.: «O'zbekiston» NMIU, 2019. – B.41.
4. Shermuhamedova N.A. Falsafa: o'quv-uslubiy majmua. – T.: «NOSHIR», 2012.– B.63.
5. Nazarov Q. Falsafa asoslari. – T.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2012.– B.32.
6. Karimov I.A. Dehqonchilik taraqqiyoti – farovonlik manbai// *Uning o'zi*. Bizdan ozod va obod Vatan qolsin.T.2. – T.: «O'zbekiston»,1996.– B.158.
7. Karimov I.A.O'zbekistonning o'z istiqlol va taraqqiyot yo'li.//*Uning o'zi*.O'zbekiston:milliy istiqlol,iqtisod,siyosat,mafkura. T.1. – T.: O'zbekiston,1996. – B.68.
8. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-sonli Farmoni. O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida. – Toshkent: «Adolat»,2017. – B.18-19.
9. Mirziyoev Sh.M. Demokratik islohotlarni chuqurlashtirish,barqaror rivojlanishini ta'minlash – xalqimiz uchun munosib hayot darajasini yaratishning kafolatidir.// *Uning o'zi*.Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib,yangi bosqichga ko'taramiz.1-jild. – Toshkent: «O'zbekiston» NMIU,2017. – B. 85.